

---

ОЛТИН ОСТОНАГА БИРИНЧИ ҚАДАМ

---

Носир Жўраев

# УЛҒАЙИШ КУНЛАРИ

*Шеърлар*



Нафур Гулом номидаги  
наприёт-матбаа ижодий уйи  
Ташкент – 2008

84 (5У)6  
Ж 96

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан  
нашр этилмоқда

Ю 34444  
О

Жўраев, Носир.

Улғайиш кунлари: Шеърлар /Н. Жўраев. —  
Тошкент: Faafur Gulom nomidagi nashriyot-matbaa  
ижодий уйи, 2008. — 32 б.

Самимий тилда ёзилган ҳар қандай асар ҳам бир  
үқишида кўнгисиздан жой олади. Китобга жамланган  
шеърларда муҳаббат васф қилинган. Демак, қалбии ўртаган  
қўшиқини тийғланаш мароқлинир.

ББК 84 (5У)6

и 4702620202 - 84  
M352(04) 2008  
2008/64 Alisher Navoiy  
nomidagi  
Ozbekiston M

ISBN 978-9943-03-174-6

© Носир Жўраев.  
Faafur Gulom nomidagi  
nashriyot-matbaa ижодий  
уйи, 2008 йил.



## Ёшлик кундалиги

### СОГИНДИМ

Паришонхаётман, паришон хаёл,  
Үзимни зор этиб сени соғиндим.  
Уч юз чақирикни олмасдан оғир,  
Кипритимда тугиб, сени соғиндим.

Қалдиргоч қаноти ўзиб шамолдан  
Кетарми довондан нари – шимолдан.  
Хат-хабар бормиқин, ҳайроңман, лолман,  
Нафасимни ютиб, сени соғиңдим.

Севгимиз шамолта, күшта боғлиқми –  
Ким берган севгига бу ном-ёрлиқни?!  
Бирор ҳис қылғанми бундай оғриқни,  
Жонимти оғритиб, сени соғиндим.

Сени айбта қўйиб, эҳтимол, ҳақман,  
Ахир интизорман, ахир итҳақман.  
Аммо, хаёлингда борманми, йўқман,  
Соғинининг кутиб сени соғиндим.

## МУМКИН

Балоғат хаёл бу, балоғат сүз бу,  
Бундай ифодага фақат ишқ мумкин.  
Менің роҳат аёз, фароғат күздир,  
Сенің гул термоққа кузу қиши мумкин.

Шамолдар олисдан келар билмайин,  
Бу ерда гүлтарнинг бўйлари майин.  
Япизим, райҳоним... ва шундан кейин  
Фақат атиргула ботиниш мумкин.

Гўзатмас, сунбулдар анҳор бўйинда,  
Сунбулдар чиройли мармар бўйнингда.  
Сенинг ҳижронингда, сенинг кўйингда  
Менга ҳамма бало, ҳамма иш мумкин.

Мұхаббат демишида эътиқод, дин йўқ,  
Араз йўқ, гина йўқ, шикоят, кин йўқ.  
Аммо бу дунёда мендан худбин йўқ,  
Мени согинганни согиниш мумкин.

## КУТДИНГИЗ

Согиндим. Кутдингиз. Бормадим. Узр.  
Кўнглингиз олмадим қўнгилдагицай.  
Хаёлида исмим айтаниб юрган,  
Кизлар борчитини мен қайдан билай.

Багрини шамолга очиб йиғлаган,  
Сирларин сув юлтан жабрди ўздалар.

Кўзимга илмадим туйғуларингизни,  
Сизга қароғасдан кўзим қийналар.

Хатлар остоңадан ҳайиқиб хатлар.  
Ҳали ўқилмасдан йиртишган бари.  
Ёки рангли, номсиз... эсимда ҳам йўқ,  
Қизларнинг хотира дафтари.

Сабабсиз кўз ёшлар, покиза ҳислар,  
Сиздан аятаним ширин сўзларим.  
Мен қанча гулшарнинг тўқдим ёшини,  
Аммо кўнглим тўлиб битга узмадим.

Еткамда тўзнийди сочлар тўфони,  
Кўксимга бош қўйиб эркалантган қиз.  
Багримдаги оғир оғриқтаримни,  
Кўксимга бош қўйиб англаётмайсиз.

Ёлғизман. Ўксидим. Севмадим ўзим.  
Сиз билган севгига фикрим ўзгарган.  
Хўрсиниб, кўл силкиб қоламан энди,  
Мени тушларида кўрган қизларга.

## СИЗГА

Сиз ўтиб борасиз дунё бехабар,  
Дунё этагидан ёниб боради.  
Айни замон сизга кўринмас хатар,  
Аҳти замон сиздан тониб боради.

Тушунсак бўлади, сиз моҳитабон,  
Бизнинг мусибатта қарсак чалсангиз.

Фақат манзил эди, бизга қадрдон,  
Сизнинг дарвозангиз, сизнинг дарчангиз.

Жодутар камнирнинг ҳийласи каби,  
Деворлар төг бўлди, гул ёниб учди.  
Ким гарнинг қотди-ку дийдаси, лаби,  
Сизнинг зулғингиздан қон томиб тушди.

Қандай туйгуларга бўлибман банди,  
Кўксимни ёв уриб, дигини сонуриб.  
Мени сеҳрлаган, сирлаган балки,  
Нозик кафтигизнинг иссиқ ҳовури.

Сиз кетиб борасиз олис жудаям,  
Йўлинигиз бехатар, губорсиз, чантисиз.  
Фақат мункайибди кўтаролмай йам,  
Бекадр дарвоза, гариб дарчангиз.

## ЁFAP

Япроги зар олмазор,  
Тилло ёғар бошимдан.  
Севги – бир пул, дил – бозор,  
Савдо ёғар бошимдан.

Ҳар япроги бир танга,  
Ҳар танга ишқ – алантга.  
Кўнгил ёрсам суйганга,  
Жафо ёғар бошимдан.

Сизга эмас, суйганим,  
Оғочларга суяндим.

Ёмон бўйдим, суюндим,  
Баҳо ёғар бошимдан.

Сиз деб топтаган майсам  
Қани ҳолига қайгса.  
Үпкалааманг: “Кулмайсан...”  
Даъво ёғар бошимдан.

Япроги зар олмазор,  
Тиғуо ёғар бошимдан.  
Айбимни кўм, эй хазон,  
Хато ёғар бошимдан.

Куйманг, офтоб истарам,  
Мен изтироб истарам.  
Сиз истанг, хоҳ истаманг,  
Бало ёғар бошимдан.

## КЎНГИЛ БЕРДИМ

Чиройтими, йўқми, бармоқтарингиш.  
Нафармонми, кўкми, тирноқтарингиш.  
Менга ёқиб қолди титроқтарингиз,  
Сизга кўнгил бердим, сизга, дилдорим.

Кўнгингиз тиграши бекор гагмас бу,  
Ажабланарпимас ва ажабмас бу.  
Шунчаки тактифи ҳам талабмас бу,  
Сизга кўнгил бердим, сизга, дилдорим.

Келинг, муҳаббатни бир гулхан дейлик.  
Гулхан атрофида биз бўлган дейлик.

Бир севгидан дейлик, бир гулдан дейлик.  
Сизга күнгил бердим, сизга, дилорим.

Дилормисиз, йўқми, билмайди ҳеч ким,  
Эҳтимол, буни фарқ қилмайди ҳеч ким.  
Дилорим, мен эса... мен майти ҳеч ким,  
Сизга кўнгил бердим, сизга, дилорим.

### СЕНГА НЕЙР

Ўтминидан не келса, бариси илм,  
Майли шафқат бўлсин, майни да зулм.  
Йигирмага кирмай, қара, севгитим,  
Тарихинг узоқ мен билган қадимдан.

Кўрдим, ғамтусорлар сулоласини,  
Манглайида ўйик оҳ-ноласини.  
Ўқиймани легандга худосасини,  
Чиқиб кетаверар бошни ёдимдан.

Тоғларга милиард йил берган ҳисоблар,  
Милиони йил ҳақида ёзган китоблар.  
Ҳамма ҳайқириқлар, ҳамма хитоблар,  
Кўҳнамас мен сенга ёзган хатимдан.

Қанча чўққишарни денгизлар ютди,  
Тунроқлар хўшлади гиёху угни.  
Мана, ёзганим ҳам ўтминига ўтди,  
Яни тарих бошга муҳаббатимдан.

## БУНДАН БҮЁГИ

Жазирамаданмас, сувсизликданмас,  
Мехримнинг кўшидан сўлан гиёҳим.  
Кеча гул деганим бугун хору хас –  
Хўрсиниб тургуси бундан бүёги.

Куиркан ҳар қандай тўхтамас кўзёш,  
Ва лекин шунчаки йўқламас кўзёш.  
Афсуски, тақдирни боғламас кўзёш.  
Афсузлар қилгуси бундан бүёги.

Райхонлар тагида яшаш бошқача,  
Бўйлари сочилса товон-бошгача...  
Аммо хокисорлардан бағри тошгача  
Бир бошдан кўргуси бундан бүёги.

Анорнинг гулини чироқ кўрганман,  
Ёғусида қанча титроқ кўрганман.  
Бироқ сенда ундан кўпроқ кўрганман,  
Қийноқда юргуси бундан бүёги.

Менда нима дард бор, бир кун гўкилар,  
Лекин сенга қараб юрак ўкинар.  
Кулишингни кўриб йиглағим келар,  
Йиглашинг кулгили бундан бүёги.

## **ХАЛҚОНА**

Узугингни осмонға от,  
Ой бўлади.

Ой деганлар ё шоир, ё  
Бой бўлади.

Бигта қизни севар эдим,  
Эсимда йўқ,  
Эслаганим — гўзал эли,  
Кўзлари чўғ.

Бигта гапи кетмайди  
Ҳеч хаётимдан:  
“Кўнгли тўла боласану  
Кўли куруқ”.

Куклам кутсам нукул хазон —  
Япроқ келди.

Юрагимни икки бўлиб  
Чакмоқ келди.

Билмай қолдим қайдан тетди  
Мента бу дард —  
Хали ичмай туриб кўнга  
Титроқ келди.

Бошларимдан кумун сочар  
Ёмнир. Бойман.

Гул кўнглимга бошқаларни  
Боқтирамайман.

Шу ссл олсин боримни ҳам,  
Йўтимни ҳам.

Кўнглим олган бой қизларни  
Ёқтирамайман.

Узугингни осмонга от,  
Ой бўлсин деб.  
Ой деганлар ё шоир, ё  
Бой бўлсин деб.

Сочи олтгин чоги, қошу  
Киприги ўқ.  
Битта қизни севар эдим,  
Эсимда йўқ.  
Энди унга битта ганини  
Айтгим келар –  
“Кўнгли тоза боламан-да,  
Кўлим қуруқ”.

Тилга узук нари борса,  
Ой бўлади.  
Ой деганлар зўр шоир, ё  
Бой бўлади.

### КЕСИНГ

Гулларнинг ёнида гуллардан сўлим,  
Гулларнинг ёнида уйғонган гулим.  
Гулларнинг ёнидан ўтмайди йўлим –  
Менинг ёнимга ҳам келиб кетинг бир.

Сизга ҳаддим сифмас капалакчалик,  
Тасодиф йўлиқмас капалакчалик,  
Пешонам ёргумас капалакчалик,  
Менинг ёнимга ҳам келиб кетинг бир.

Тебранинг, болимга шабнамга ёғсин,  
Кўксимдан тизгача маъҳамдай оқсин.  
Борай десам, мендай йўқ, ноchor, йўқсил –  
Менинг ёнимга ҳам келиб кетинг бир.

Магурлик ўтмайди гулга, чаманга,  
Мағурлик ярашмас ранги сомонга.  
Бир яхшилик қилинг битта ёмонга –  
Менинг ёнимга ҳам келиб кетинг бир.

Шунча отриқ ёлниж жон зиммасида,  
Не жон кўрдим, бир армон зиммасида.  
Мен ҳамма нарсадан кўз юммасимдан  
Менинг ёнимга ҳам келиб кетинг бир.

## НИЛУФАРЖОН

Нилуфаржон, айрилиқдан сўз айтсан,  
Ҳинд куиилай осон сингар юракка.  
Нилуфаржон, кўнглум эдинг, битмайсан,  
Ким не билса, шуни тенглар юракка.

Нилуфаржон, биганим шу қорасоч,  
Қорасочки, тўлғонарди бўйнишгда.  
Бармоқларим гариблардай ухлаб оч,  
Яна муҳтоҷ уйғонарди бўйнишгда.

Нилуфаржон, гулзормилинг, ўтмадим?!  
Бир ниятта келолтмадик одамлай.  
Нелар ўтди кўнглишдан, меш ўтмадим –  
Битта хаёл қилолтмадик одамдай.

Ниғуфаржон, сенсиз ҳәётим түшкүн,  
Сени үйлесам ҳам ундан мушкулроқ.  
Мени қийнаб күпроқ ёдимга тушгин,  
Фақат күпроқ, күпроқ...

### ЙИГЛӘДИНГИЗ...

Йигладингиз қайғули  
Овозипиз найдайып.  
Сизга нима дей, гултим,  
Айтинг, нима айтайып.

Хазонларын түзгитиб  
Юрганларым рост эди.  
Күйлиңгиз-ку күзғатиб  
Мен маст эдим, маст эдим.

Топтүлакка бош қушиб  
Майсалтар жоң берганда.  
Күксимги күзөн үйиб  
Күлтариңгиз елкамла.

Гапирдингиз хокисор,  
Сизга нима дей, ахир.  
Менинг башқа гултим бор,  
Менде башқа үй, ахир.

Хазонбаргии ой деган  
Кузни яхши күраман,  
Ҳечам йигламайдиган  
Кизни яхши күраман.

Мұҳаббат деб яшар-у,  
Севиб үлмас шоирлар  
Фариштага үхшар-у,  
Одам бўлмас шоирлар.

## КУТИШ

Фожеа – мен яна сизни ўйладим,  
Кўзимга ўрлади мовий раиг тутун.  
Ўзимни бир нима қилиб қўимадим  
Дийдорни жудаям куттаним учун.

Беҳамроҳ толиқиб қоларкан одам,  
Айтана – юз бора қайтиб ўтаман.  
Қароқ нам, яноқ нам, кейин туироқ нам.  
Нета ҳалиям мен сизни кутаман?

Неча бор ўзгарди япроқтар раиги,  
Неча бор тўкилди олмаларигиз.  
Кетсангиз бўларди бенишон – машу.  
Яхшийли ёдимла қолмаганингиз.

Кунлар мезон бўлди, мезонлар хазон,  
Кўл тегмай тўкилди атириулларим.  
Менинг инсонганим, куттаним ёмон,  
Сиз энг бешафқат қиз, шудир билганим.

## НОЗИНГ

Нозинг билан чиқишимайди жон,  
Шу юратим – оғриган ерим.  
Лабларингдан тўкултулай қон,  
Мантлайингда тўрт қатор шеърим.

Үйлгөгүнинг сайин бегона,  
Унугтанинг сайин қайтаман.  
Навбатдаги түшингда яна,  
Ёмон эмаслитим айтаман.

Бугун сен ўзингдан норози,  
Бугун мен ўзимдан кечтим бор.  
Илк бор фарид чиқди овозим,  
Илк бор сенинг учун ичтим бор.

Кўнглинг билан кепишмас сира,  
Қайсар дилим — оғриган ерим.  
Бир умрга номсиз хотира —  
Пенсионингда тўрт қатор шеърим.

\* \* \*

Маш балои сар бўладим,  
Сан давои таи бўлдинг.  
Дарли ларбадар бўладим,  
Сан зулфи каманл бўлдинг.

Ишқ тийғи кўксимдалир,  
Изладим ўқсиб надир.  
Бағрим ёриқ, юз ёруғ,  
Сан нури шаман бўлдинг.

Райхонсан — райи хонсан,  
Хоқонсан — пойи жонсан.  
Ёр, вастинг бор қатлингла,  
Зиндони чаман бўлдинг.

Коки шингни ёзмагыл,  
Бордур йүйшан озмогим.  
Кайдан тоопум юзингни,  
Сочлари туман бўлдинг.

Бош урмоқлик иш бўлди,  
Сигинганим ишқ бўлди.  
Манинг кўнгил фалакда,  
Санам бир санам бўлдинг.

## ВИДО

Ўтиб видоланидим сочларингизни,  
Йигълаб кузатдилар чувалиб издан.  
Хали ҳам кўзингиз очмадингизми,  
Воз кечиб кетсам ҳам энг гўзал қиздан.

Ўзини аямай ирғитар япроқ,  
Кун сайни ўзанга сингиб борар сув.  
Юзини хазонга яширар тупроқ,  
Тобора шайтонга айланар сулув.

Хотир олислайди бутутдек кўчиб,  
Кўнгил ҳақила ўй – шунчаки эрмак.  
Сизни яна бир бор ўйламоқ учун  
Яна бир хиёнат қилишим керак.

Сизга ҳам, менга ҳам олий жазо шу:  
Юз буриб ўтаман энг яхни қиздан.  
Кўз очиб кўрганим бўлардингиз-ку,  
Кўз юмиб бўлмайди гуноҳингиздан.

## АЙЛANIШИ МУМКИН...

Айланishi мумкин жодугар қизга,  
Шамшир түл бўлиши менинг эҳтимол.  
Фақат сиз ва менинг масофамиизда  
Ҳақиқатта айланмас висол.

Ойга ўқ узсантиз қулаши мумкин,  
Уриши ҳам мумкин пойинтизга бош.  
Фақат дўст чиқмас, йўқ кўнгилният юки,  
У оддий бир йўлдош.

Ақига сифади қадаҳда денгиз,  
Қайиқ қилиб кетса бўлар кулдонни.  
Фақат кўроғмайман, тасавнур ожиз,  
Йиғлаётгичинан кулланни.

Тушундим, севганим менга охират,  
Кўрдим мағзизимни олислан элас.  
Фақат сизга кўнгил кўйини, соҳирам,  
Ҳақиқатдан ҳақиқат эмас.

## МАКТУБ

Унуптим келмади,  
Келмади омадим.  
Сизни эслайвердим, ёзавердим шеър.  
Шунча пайт хат ёзмай кимни аядим,  
Энди одамтар ҳам нима деса дер.

Деворга сўйкаши кафтларим ночор,  
Тунчироқ нурлари кўзимга ботди.

Қандай йигласанғыз шундай беозор,  
Беозор ғапириб сизни йүқтөдим.

Китобнинг қайрилган вароги хотир —  
Бизга ёқиб тушкан энг түзаң байтлар.  
Биласиз, бормайман — ширин хавотир,  
Биламан, кетмайсиз, хаёл бўш қайтар.

Шунча пайт гапирмай кимни аядим,  
Шунча пайт ёдимда дудоғ, бўса, ғам...  
Унугтим келмади энг яхши дамим,  
Сизни эслайвердим гуноҳ бўлса ҳам.

### АРМОН БЎЛДИМ

Армон бўлдим дилингта,  
Армон нима билмадим.  
Сен азоб еб кулдинг-а,  
Азоб бериб йигладим.

Севлинг жонингни қийнаб  
Севилмаган қиз ўзинг.  
Дийдоримга зор дийданг  
Бугун ҳам ёлғиз ўзинг.

Юз бермайди мұжиза  
Юз бор ўтгин оламдан.  
Сен шунчаки ожиза,  
Мен шунчаки одамман.

Куйгим келмас тафтигдан,  
Жонингдан ўтим келар.

Губори йўқ кафтигдан  
Бир тўйиб ўтгим келар.

Севдинг, сенда йўқ айб,  
Севолмаган ўзимман.  
Раҳмат кугдим сендайин.  
Мен ҳам севган ёримдан.

## ХАЙР

Хайр, жоним, ҳайронга  
Бўлма энди гапимдан.  
Ёлғиз онам гирёна  
Ўйга қайтмаганимдан.

Фақат ишққа эгилиб,  
Мен агарда яшайман.  
Тош дилингта қасд қилиб,  
Тош шаҳарда яниайман.

Хайр, жоним, кўнглим тўқ,  
Сочингни бос қўксинтга.  
Ўксийдиган синглим йўқ,  
Боғкўчамдир ўксинган.

Шунча қурбои бўлар кам  
Шум муҳаббат ўйинита.  
Кетмон чопсам бўларкан  
Қиз севишнинг ўрнига.

Бари йўл ҳам тош бирлек –  
Тош бошпимни аўдайман.  
Мен ҳам ҳамма шоирдек  
Суғанимни олмайман.

Хайр, жоним, гоҳида  
Битмай йиглаб күймагин.  
Эслама алоҳида,  
Ўзинг билан ўйлагин.

## ДИЛ

Дил нима-ю, дил эгаси ким бўлармиш,  
Дард ортгани сайин ҳамдарл жим бўлармиш.  
Олисталарла қийналарамиши мени эслаб,  
Бир қиз йиглаб кўз ёнлари сим бўлармиш.

Билганим шу, куттан кўэни гард босмайди...  
Йиглар фақат, эслар фақат, хат ёзмайди.  
Шундоқ кутиб куяверар ўзини деб.  
У қиз мендан кўнгил сўрмай араззайди.

Чаш кўксимда муштдек ёкут — мулким оғир,  
Қайгуларим оғир менинг, кулгум оғир.  
Кел, елкангдан бир қуяйин, дардингни бер.  
Аммо нозик елканг учун юким оғир.

Бир хўрсинай, сочларингта шамон тегсин,  
Гул юзингни кўкрагимга томон этсии.  
Кучоғимда олиб қолай нафасингни,  
Бир нафасда бор умримни тамом этсии.

Дил ўксиган сари дилдош жим бўларкан,  
Чин йигласанг, кўз ёшларинг сим бўларкан.  
Ёлизингдан йироқ кетсанг ёлиз бўлиб,  
Эслаганинг қадрдон исм бўларкан.

## ҚҰШИҚ

Ёмғир ёғди йўлимта,  
Йигладингми, гулжоним.  
Раҳм қылмай дитимга,  
Оғрийнерди бу жоним.

Бўстон эди бу кўнгил.  
Осмон эди бу кўнгил.  
Шўркўрғонтик бир қиз деб  
Йиглайверди осмоним.

Эсладинг, қийноқ бўлиди.  
Бармоқлар титроқ бўлиди.  
Сочингта ёқсан хазон –  
Лабларим япроқ бўлиди.

Умидлари омон қиз.  
Софинглари шинҳон қиз.  
Оқ тупроққа тўкилиб,  
Ўтиб борар армон қиз.

Маъюсмиди кунларинг.  
Маъюсмиди кулданинг.  
Кулгин, янграсин култинг,  
Кўз ёшимдан унганим.

Ёмғир ёғди йўлимга,  
Йигладингми, гулжоним.  
Раҳм қылмай кўнглимга,  
Оғрийнерди бу жоним.

Эй, ўзимдай ёмоним,  
Бир ёқимли ёлғоним:  
“Бир кун гулга тұлармиш  
Шүркүрғоннинг осмони!”

## ҚИШНИ ИНКОР ҚИЛАР...

Қишини инкор қилар гуркираб майса,  
Сукутни тан отмас баҳорий чақмоқ..  
Менда вужуд қайсар, менда рух қайсар,  
Мен сени севаман, Лолақизғатдоқ.

Имқон кетған кунда кетған бу дардим –  
Хатто эслашта ҳам қолматап ҳадлым.  
Фурсатни бой беріб, баҳтли бүтімдім...  
Мен сени севаман, Лолақизғатдоқ.

Иқрорлан ҳайикдім ва ҳамои жимман,  
Балки иқрорингни күтін әдім мен.  
Шеър айтиб, ўзимни овутмоқчиман...  
Мен сени севаман, Лолақизғатдоқ.

## ҚИЗГА ХАТ

Оғирдан оғир ҳаво,  
Пинжимга суқылади.  
Сөғинаман, аввато,  
Кейин діл сиқылади.

Күзим юмсам, күзимга  
Ҳиссиз оқ ер күринар.  
Бұлутлари түзгитган  
Осмонлар кир күринар.

Қанча оламлар түсіб,  
Тиктюлмайман тушибимни...  
Хар кун менга хат ёзіб,  
Хар куни йиртішингни.

Оғирдан оғир хаёл,  
Хаволар ҳам ғұссали,  
Күтмаса бир гулжамол,  
Бир ёрим бор, демаса.

Іоз йил совуқда яшаб,  
Күешни унугтандай.  
Худди керакка үхшаб  
Яшамоқ мүмкін қандай?

Севгидан майда гаңдар  
Изланмайди аслида.  
Хақиқат бу, сүйгәндар  
Эсланмайди аслида.

Үйланаман ютоқиб,  
Истайман бир хоҳиши.  
Аввал хатиніни ўқиб.  
Кейин ўтта ёқиши.

## РҮМОЛИНГ ЕЛКАНГДА...

Рүмолинг елкангда. Пахта терасан.  
Боз этат тутамас йўл кўринади.  
Шунда қўксингта бир муштинг тирасант,  
Юрагинг бир сиқим кул кўринади.

Кафтларим теккандек титраса майса,  
Нифасим еткандек титраса майса,

Этакка юз босиб йиғлаб эслайсан,  
Фұзаниң шонаси гул күринади.

Күнгінг хувилайди пахтазор каби,  
Ісмим айтаверіб ёрилар лабинг.  
Кеттаним тұноҳым, күттанинг айбинг...  
Гиёхдар сиқинган күл күринади.

Жоним ачишади орта қарасам,  
Туманлар ичіда ёлғыз борасан.  
Биламан, кузни ҳам ёмон күрасан...  
Кузда күёш нури ҳұл күринади.

Мунисим, шу чоғда сендан ғаріб ким,  
Оётинг увишиб үлтирасан жим.  
Сен каби мениям келтанды күргим  
Күзимга дунё бир пул күринади.

## БҮЛСИН

Нафасингдан уйғониб  
Күрсам, күнгіл бор бүлсін.  
Сүзларингдан бол томиб,  
Сұхбатинг ділдер бүлсін.

Ойдан оқиб зарҳал ранг,  
Нурдай тараңса оқанг.  
Бармоғим орасиша,  
Сочларинг чильтор бүлсін.

Эрка ҳис-да, эрка лаб,  
Бир қийнасам эркалаб,

Йиғласант дөг биғинмас,  
Күйлагинг түшор бўлсин.

Қачон хўрсиник учтай,  
Хўрсиникдан шам ўчтай.  
Энди келмасин такрор –  
Бу роҳат бир бор бўлсин.

## ЁМФИР

Ёмғирни севардим сени толғунча,  
Эҳтимол, сувнараст, куйнараст эдим.  
Ёмғирдан гўзалроқ келдинг, гулгунчам,  
Ёки мен дунёга янгидан келдим.

Кай шамол уфоринг менга йўлгиди,  
Кайси тоза кунда сени кутгандим.  
Бунгача бунақа севти билмадим,  
Тўгриси, унугандим.

Ёмғир. Ҳар бир томчи ерии титкилар,  
Мен эса титаман қўнглинидан ични.  
Бармоқларим куйди сочингни силаб,  
Кўзингга тик боқиб қасамлар ичдим.

Дераза ёнида иккига ҳадик –  
Иккига телбани кўрганми олам?  
Биз бундан чиройли кунни кўрмадик,  
Биз бундан бошқани истамасдик ҳам.

Ёмғир чағланмиди айрилиқ куйни,  
Манглайдан дил қадар сиржалади сув.

Гулым, мен афсуслар чекмасдан қўйдим,  
Ахир мен севгимни айтиб бўйдим-ку!

Биламан, ўшандан бери ёғизсан,  
Ўша кундан бери юзинг қирмизи.  
Гулым, мени эслаб, совуқни сезсанг,  
Деразанг ёпиб қўй, ёмғир кирмасин.

### НИМА ДЕСАНГ...

Тасодифми, тақдирми,  
Гул бўлиб дуч келанинг.  
Лол қолдирди ақчимни,  
Мехримга ўч келганинг.  
Икки жонга бир рипга  
Боғлангани – муҳаббат.  
Одамману фаришга  
Хоҳлаганим – муҳаббат.

Нима десанг, ўзинг айт,  
Не куйласанг сен куйла.  
Менинг жоним чиқар пайт  
Менинг жоним деб куйма.

Сочмиди бу, гулханми,  
Оёғимга ўрагтан.  
Бунақаси бўлганми –  
Оловдан қиз яраған.  
Тасодифни, тақдирни  
Енгил демас одамзод.  
Йигланш, кулиш вақтини  
Бепитамас одамзод.

Нима десант, ўзинг айт,  
Не күйласанг сен күйла.  
Менинг жоним чиқар пайт  
Менинг жоним деб куйма.

Йигламадинг, кулмадинг,  
Эслатмадинг тақдирни.  
Фариштадай келганинг  
Киргизмади ақшимни.  
Сочи билан танамни,  
Еңмагани қиёмат.  
Фариштадар одамни  
Хоҳдагани – қиёмат.

### КЕЧИКИШ

*Иброхимга*

Тўйдан қайтар иккига соя,  
Икки орзу тўйдан қайтади.  
Иккисига бир сўз кифоя...  
Ким биринчи бўлиб айтади?

Тун қўйнида сигарет тугар,  
Коронгула сирғалар рўмол.  
Термилитигиб қанча вақт ўтар,  
Факат сўзлаш жудаям маҳол.

Зерикали забарласт елка,  
“Уф” тортади нозик бармоқлар.  
У ўйтайди: “Сўзласин эркам”  
Бу кутади: “Балки кучоқлар”.

Баҳона бир – одобдан бұлмас,  
Иккисида шу иддаодир.  
Құчмоққамас, сүзіамоққамас,  
Икковиям күтмоққа қодир.

Түйдан қайтар иккита соя,  
Икки армон түйдан қайтади.  
Күн сайин түй мавсум ниҳоя  
Ҳамон “ким биринчи айтади?”

Тутаб борар түйшар мавсуми.

### КҮРГАНИМ

Күрганим, паришон бүтти сочларипт,  
Хәёлиңг паришон изимни қутиб.  
Үзингта заркинаи бүтти сочларинг,  
Үтапсан тақдирпинг измини қутиб.

Күрганим, тиғ теккан япроқ лабларинг  
Иккига бұлинган юракдең қондир.  
Менің әңғаш бұлсинаң ҳануз гапларинг,  
Майти, алдаң бұлсинаң, үзиншта қондир.

Күрганим, күзингдан ёш чиқар ғохи,  
Майти, синиқ бұлсинаң бор-ку, табассум.  
Отаншының измидан чиқмай, пифлоқим,  
Бұғзингдан чиқолмай қолши-ку, исмим.

Күрганим, чөхраншата түймайин кетдим,  
Тұлмайин ҳам кетди бу күнгли кабир.  
Бугун ёлғыз сени тинглайман дедим,  
Үзгадан ғаширма, үзингдан гапир.

Күрганим, юзингіда умид бор ҳамон,  
Хали юрагингда орзулар тұқис.  
Дил бердинг қафтимпа күйгандайин жон,  
Жониншни қаерда сақтайин, эй қыз.

Күрганим, ранглари кетяпты гүлнинг,  
Фашға тегиб үтар эскирган тиңак.  
Сен ва мен асратан эңг буюк дилни.  
Хеч ким күрмаяпти бизлардан бұлак.

### ХАНУЗ

Хануз ер бағридан келмали ҳовур,  
Кечикли бу сафар қалыпташтарим.  
Күкесинг ёролмади күзимдәги шур,  
Хануз юрагиңғи месниа очмадинг.

Гүлларим очилди қон бағри лим-лим –  
Бир қошиқ қонини үтинган ошиқ.  
Сен очиқ дарчага сүяптаңға жим,  
Дейсан, алтакачоң орамиз очиқ.

Очиғи, ўзингни аядинг, билдим,  
Гүёки асралынг минт йиллик сирни.  
Мен эса аямай күксимни тиңдим,  
Майлайтып очтим келди тақдирининг.

Сенға дил очтаним гүлохым эмас,  
Күрасан, ўзини оқлар сочларим.  
Фақат сүнтег нафас – охирги ҳавас.  
Истадим, күнгілинін мента очмадинг.

Күнгілинг оч, күзимнинг очиқтигіда.

## МУНДАРИЖА

### Ёшлик күпдалиги

Согиндим.....	3
Мумкин.....	4
Кутдингиз.....	4
Сизга.....	4
Ёғар.....	6
Құнғыл бердим.....	7
Сенга шеър.....	8
Бундан буёғи.....	9
Халқона.....	10
Келинг.....	11
Нилуфаржон.....	12
Йигладингиз.....	13
Кутинш.....	14
Нозинг.....	14
«Ман балой сар бўлдим...».....	15
Видо.....	16
Айланини мумкин.....	17
Мактуб.....	17
Армон бўлдим.....	18
Хайр.....	19
Лил.....	20
Қўшиқ.....	21
Кишин ишкор қилас.....	22
Қизга хат.....	22
Рўмолинг елкангда.....	23

Бўлсил	24
Ёмғир	25
Нима десант	26
Кечикиш	27
Құрганим	28
Хануз	29

NATLIB.UZ

*Адабий-бадният нашр*

**Носир Жураев**

**УЛГАЙИШ КҮНЛАРИ**

*Шеърилар*

Мұхаррир *Аброр Қиличев*

Мусаввирир *Олеев Холодняков*

Бадиий мұхаррир *Анатолий Бобров*

Тех. мұхаррир *Татьяна Смирнова*

Мусаххих *Фотима Ортикова*

Компьютерлық сақыфаловчи *Сурайё Раҳмедова*

**ИБ №4712**

Босишига 11.07.08 й. да рухсат берилди. Бітчими 70x90  $\frac{1}{32}$ .  
Times гарнитурасы. Офсет босма. 1,17 шартты  
босма тобоги. 1,5 нашр тобоги. Ауди 1000 нұсха.  
270 ракамлы буюргма. 74–2008 ракамли шартнома.  
Бағоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Faғур Ўулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйны.  
100129. Тошкент, Навоий күчаси, 30.  
100128. Тошкент, Шайхонтохур күчаси, 86.

Бизниинг интернет манзил: [www.ipfdgulom.uz](http://www.ipfdgulom.uz)